

ЎЗБЕК
КЛАССИКАЛАРИ
КУТУБХОНАСИ



Лутғий
ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



ИККИНЧИ НАШРИ

ЎзСР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ - 1960



Нашрга тайёрловчи
СОДИР ЭРКИНОВ

Редактор
РУСТАМ КОМИЛОВ

На узбекском языке

ЛУТФИЙ
ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

Гослитиздат — 1960 — Ташкент

Рассом С. Мальт
Расмлар редактори Г. Бедарев
Техн. редактор Т. Скиба
Корректор М. Абдуллаева

* * *

Босмахонага берилди 8/VII-1960 й. Босиш-
га рухсат этилди 18/XI-1960 й. Формати
70×921/32. Босма л. 7,5. Шартли босма
л. 8,76. Нашр. л. 8,81. Индекс к/а.
Тиражи 25 000. Давлат ба-
дий адабиёт нашриёти, Ташкент, Навоий
кўчаси, 30. Шартнома № 114—60.

ЛУТФИЙ

Лутфий ўзбек классик адабиётининг йирик намо-
яндаларидан биридир. Алишер Навоий Лутфийнинг
Шарқ поэзиясининг Фирдавсий, Низомий, Саъдий
каби буюк сўз устодлари қаторига қўйиб, унга юқори
баҳо беради.

Лутфий яшаб ижод этган даврда ўзбек адабиёти
ўз бошидан муҳим бир босқични кечирмоқда эди. XIV
асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб феодал сарой поэзия-
си ва диний-мистик оқимга қарши адабиётда дунёвий-
лик тенденцияси кучайиб борди. Бу оқимнинг намоян-
далари «тавҳид ҳақ» ва охирагани васф этишдан воз
кечиб, инсон ва унинг ҳаётини куйладилар, дунёвийлик
темасини юқори кўтардилар, ўзбек адабий тилини қат-
тиқ ҳимоя қилдилар. Дунёвийлик оқимининг юқори та-
бақасига мансуб бўлган кўпгина намояндалари дунёқа-
рашининг синфий чекланганлиги бу адабиётнинг прогрес-
сив характерини ҳам маълум даражада чегараламай
қўймас эди. Шунга қарамасдан, дунёвий адабиёт
мистикага қарши поэзияни ҳаётга яқинлаштириш нуқ-
таи назаридан XIV—XV асрлар шароитида олдинга қар-
аб қўйилган катта бир қадам эди. Бу адабиётнинг
Отойи, Сақокий, Ҳайдар Хоразмий, Амирий қаби на-
мояндалари қаторида Лутфий олдинги ўринлардан би-
рини эгаллайди.

Лутфий 1366/1367 йиллар мобайнида Ҳирот атро-

фидаги ҳибонлардан бири—Деҳи канорда дунёга келди. У ёшлик чоғидан бошлаб ўз замонида мавжуд бўлган билимларни эгаллашга, дунёвий илмларни ўрганишга қизиқди, ўз даврининг машҳур тасаввуф олимларидан Шаҳобиддин Хибоний қўлида таҳсил кўрди.

Алишер Навоийнинг гувоҳлик беришича, у фақирона ҳаёт кечирган. Ҳирот шоирларининг суҳбатларида қатнашиб турган ва устод шоир сифатида кўпчиликнинг ҳурматиغا сазовор бўлган.

Лутфий ўз она тили билан бирга форс-тожик тилини ҳам яхши билган. Унинг форс-тожикча шеърлари Абдураҳмон Жомий каби XV аср форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси таҳсинига сазовор бўлган.

Шоирнинг лирик шеърлар «Девон»и унинг ҳаётлик давридаёқ катта шуҳрат қозонган.

Лутфий ижоди фақат ғазаллар билан чекланмайди, У «Гул ва Наврўз», «Зафарнома» каби йирик асарлар ҳам яратган. «Зафарнома» 1425 йилда ёзилган темирдийлар тарихининг бошланғич даврига оид Шарафиддин Али Яздий асарининг таржимасидир. Шоир бу асарни Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си тариқасида яратган бўлиши мумкин. Ун мингдан ортиқроқ байтни ўз ичига олган бу асар бизгача етиб келмаган. Шоирнинг бугунги кунда ўқувчиларга маълум бўлган адабий мероси фақат бир лирик шеърлар «Девон»и билан «Гул ва Наврўз» дostonидан иборат. Лутфий «Девон»ининг нусхалари кўп. Уларнинг ҳаммаси қўлёзма ҳолида бўлиб, кўчирилиш эътибори билан XIX ва XX аср бошларига тўғри келади. Фақат сўнгги йиллардагина Лутфий «Девон»ининг Британия музейида сақланаётган бошқа бир нусхасининг фотокопиясига эга бўлдик. Бу нусха 1511 йилда кўчирилган ва шоир «Девон»ининг бошқа нусхалари ўртасида энг нодир қўлёзмадир.

Лутфий «Девон»ининг УзССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти сақланаётган нусхалари

ичида ҳам эътиборга сазовор қўлёзмалар бор. 818, 1117, 1431 рақамли қўлёзмалар шулар жумласидандир.

Бу тўпламнинг лирика қисми Лутфий «Девон»ининг Шарқшунослик институтида сақланаётган шу уч нусха ва юқорида эсланган фотокопия асосида тузилди. Британия музейидаги Ҳирот қўлёзмаси нусхаси кўчирилиш эътибори билан Лутфий даврига яқин тургани учун унга таянч нусха сифатида қаралди. Бу нусха Лутфий «Девон»ининг кейинги асрларга оид нусхаларидаги камчиликларни бартараф қилишга ёрдам берди. Ўз навбатида, Шарқшунослик институти кутубхонасидаги қўлёзмалар ҳам Ҳирот нусхасини тўлдиршига, ундаги ноаниқликларни тугатишга имкон туғдирди.

Лутфий «Девон»ининг барча нусхалари традицион кириш билан бошланиб, сўнгга қофия ёки радифнинг охири ҳарфига асосланган ҳолда алфавит бўйича турли вазндаги ғазалларни ўз ичига олади. Ғазаллардан кейинги тўртликлар келтирилади. «Девон»нинг ҳамма нусхаларида ғазаллар сони 200—280, рубоий, туюқлар сони 20—25 ўртасида фарқ қилиб туради.

Лутфий лирикада ўзигача бўлган ўзбек ва форс-тожик адабиётидаги гуманистик традицияларни юқори кўтарди. Традицион маҳбуб, май, баҳор темалари орқали инсонга хос фикрлар, хаёлларни айтишга интилди. Инсон ҳаёти, олижаноб туйғулар тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини куйлади, ўрта асрдаги жоҳиллик ва разолатга қарши норозилик билдирди. Лутфий лирикасининг асосий мундарижасини ана шу маънодаги дунёвийлик ташкил қилади.

Шоирни кишини ўз ихтиёрига қўймайдиган ҳусн: қора қош билан ўйнашган қийғоч кўзлар, пистани ҳайратда қолдирган оғиз, фаришта ва париларидан ортиқ ёр ўзига мафтун қилади.

Шоир ғазалларидан бирида зоҳидлар томонидан ваъда қилинган у дунёдан ёр жамолини аълороқ кўради:

Келдим эшикка, орзум юзунгдурур, кўргуз чиқиб,
Келгинки, Лутфий ҳожати учмоқ эмас, дийдор эрур,

Лутфийнинг оддий инсонга хос фикр ва хаёл, эҳтиром ва нафрат, шодлик ва мусибат оҳанглари ни ифодалаб, реал дунё гўзалига муҳаббат қўйиши, шубҳасиз, ўз давридаги ҳукмрон идеологияга зид эди. Шу жиҳатдан қуйидаги мисралар ҳам ғоят диққатга сазовордир:

Лутфий қул кирмас битиққа, кўп насиҳат қилмангиз
Ким, анинг девона кўнгли ишқ фармониндадур.

Шоир қатор ғазалларида ўз кўнглини Каъбага, ёрни эса Исога ўхшатади. Ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишга чақиради, зуҳду тоат қондаларидан кулади.

Лутфий ғазал, рубоий ва туюқларида кишининг ички ҳис-туйғуларини, тарки дунёчиликка қарши ҳаёт завқини куйлаш билан чегараланиб қолмайдн. Унинг лирикасидаги тематика шоирнинг ҳаётга яқинлашишига қараб кенгайиб, ривожланиб боради. Ер, май номи билан боғланган ғазал, рубоий, туюқлар таркибида, паришон равишда сочилиб кетган ва дастлабки қарашда мавҳум кўринган мисраларда Лутфий ўз даврида авж олган адолатсизликни, кишиларнинг нормал яшашларига ҳалақит бераётган феодал уруш-талашларини, подшоҳ ва унинг атрафидаги амалдорларнинг жоҳиллиги, бадаҳоқликларини акс эттириб, уларни фош этишга ҳаракат қилади:

Айттимки, бу Лутфийга жафо қилма, вафо қил.
Айтур, ки бизинг даврда ул расм қолибдур.

каби мисралар шоир ғазалларида кўплаб учрайди.
XV асрда Нақшбандий гуруҳидан ажралиб чиққан реакцион шайхлар, жўйбор хўжалари фан, маданият ва унинг ҳомийларига қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Улуғбек фожиаси, Али Қўшчининг Хўжа Аҳрор томони-

дан ҳақорат қилиниши, Муҳаммад Араб ва Мир Ҳайдар каби шоирларнинг сиёсий ҳаёт сиқуви остида ақлдан озиб қолишлари каби ҳодисаларни у даврда кўплаб учратиш мумкин эди. Лутфий илм аҳлларининг бадбин, жоҳил кишилар тазыйқи остида хўрланишларига афсусланиш билан қаради:

Йўқ турур ёлғуз бу Лутфий жонига жаври рақиб,
Қайда бир доно дурур, ул жаври нолон тортадур.

Лекин Лутфий ўз дунёқарашининг тарихий чекланганлиги туфайли давридаги барча қарама-қаршиликларни адолатпарвар шоҳга эга бўлиш билан бартараф қилмоқчи бўлди. Феодал урушларни марказлашган давлат орқали бартараф этишга ҳаракат қилиш у даврга нисбатан сўзсиз илғор ғоя эди. Лутфий ўз асарларида адолатнинг кучига юқори баҳо беради:

Жон топти иморат қадингиз тузлуки бирла,
Маъмур бўлур адл ила ҳар қайда вилоят.

Лутфий ўз лирикасида ўзбек тили ва халқ поэзиясидан жуда моҳирлик билан фойдаланди. Турли-туман сўз ўйинлари, ҳусни таълил, мажоз каби шарқ классик адабиётига хос поэтик приёмлар, оригинал ўхшатишлар, кучли муболағалар, ғазал, рубоий, туюқлар таркибига сингиб кетган халқ мақоллари, образли ибодалар Лутфий лирикасини ёқимли ва жозибали қилиб туради. Ҳали ғазал жанри ўзбек адабиётида кенг ривожланмаган бир вақтда, Лутфий поэзияда соддаликка интилиб, ўзининг кўпгина замондошларидан фарқ қилароқ зўракиликка, сарой адабиётида авж олган ҳашамат ва даб-дабага қарши курашди. У, аруздаги содда баҳрларни танлаб олиб, ихчам ғазаллар яратди. Шунинг учун шоирнинг кўпчилик ғазаллари халқ қўшиқларига жуда яқин туради.

Лутфий ғазалларидаги дунёвийлик, шунингдек шакл-

даги соддалик унинг «Гул ва Наврӯз» достонида ҳам сезилиб туради.

«Гул ва Наврӯз» бадий асар сифатида XV аср ўзбек адабиётининг шакл ва мазмун жиҳатидан пухта ва мукамал ишланган нодир намуналаридан биридир. Лутфий бу асарини 1411 йилда ёзган.

Достоннинг автографи бизгача етиб келган эмас ва ҳозирча хаттот томонидан кўчирилган ягона нусхаси Британия музейида сақланади. «Танланган асарлар»ни тузишда шу нусхадан олинган фотокопия таянч манба сифатида хизмат қилди. Қўлёзмада достоннинг 1511 йилда ҳиротлик Маҳмудбек деган киши томонидан кўчирилгани қайд қилинади. Бу нусхадаги баъзи бир ноаниқликларни белгилашда «Абушқа» (1560) луғатидаги «Гул ва Наврӯз» достонидан келтирилган байтлардан ҳам фойдаланилди. Масалан, достон текстидаги «Бу тўсқудин анга ҳам йироқ тут» мисраси «Абушқа»да «Бу боладин анга ҳам бир аёқ тут» (саҳ. 151) тарзида ҳам мукамал, ҳам аниқ келтирилади. Шубҳасиз луғат аuctори қўлёзманинг бошқа бир нусхасидан фойдаланган.

Достон текстини тайёрлашда мазмунига халал етган мисралар «Абушқа» луғатидан олинди ва улар катта қавсда кўрсатилди. Достон текстидаги баъзи бир ўчиб кетган сўз ва иборалар ҳам қайтадан тикланди ва улар ҳам катта қавс билан ажратилди.

«Гул ва Наврӯз» достони 2 400 мисрадан иборат бўлиб, 120 та ғазал шаклидаги кичик қисмларга бўлинади.

«Гул ва Наврӯз» шарқ адабиётидаги қадимий достончилик традицияси асосида ёзилган ва лекин унда шоир ижодининг тўла оригиналлиги яққол сезилиб туради.

Қадимги ўзбек, форс ва тожик адабиётида Ўрта Осиё халқларининг традицион Наврӯз байрамига бағишланган ва Наврӯз ҳамда Гул образларини ўз ичига олган кўпгина асарлар мавжуддир. Бу асарлар дастлаб халқ адабиётининг меваси бўлиб, уларнинг сюжетлари,

ғоявий мотивлари кейинча ёзма адабиётга ҳам кириб келган. Ёзма адабиётда бу темада ёзилган асарлардан дастлаб форс-тожик шоири Ҳожи Қирмоний (вафоти 1341)нинг «Наврӯз ва Гул» сарлавҳали ишқий достони маълумдир. «Кашфузуннун» асарининг аuctори Котиби Чалабий (XVIII аср) Жомий, Муидий каби шоирларнинг ҳам Гул ва Наврӯз номи билан боғланган асарлари бўлганини ёздади.

Лутфий, шубҳасиз ўзгача бўлган авторларнинг асарларини ўқиган ва улардан маълум даражада таъсирланган. Лекин достоннинг «Сабаби назми китоб» бобида қайд қилинишича, Лутфий кўпроқ халқ афсоналарига мурожаат қилган, улардан баракали фойдаланган ва янги бир асар яратган. Лутфийгача бўлган халқ поэзияси услубидаги «Гул ва Наврӯз»лар (масалан Қирмонийнинг «Наврӯз ва Гул» достони) ижтимоий мазмунининг сустиги натижасида халқ руҳини ифодалаган асарлар даражасига кўтарилолмай қолдилар. Гарчи етарли даражада бўлмаса ҳам, Лутфий достонида халқ поэзиясининг руҳи ва хусусиятлари кучлидир. Чунки достонда шоир даврниг хос илгор қарашлар, эстетик тушунчалар ўз ифодасини топган. «Гул ва Наврӯз»даги бу идеаллар сиёсий марказлашган давлат тузуми ва унинг одил подшосини қуйлаш билан белгиланади.

Достоннинг бош темаси икки ёшнинг бир-бирига бўлган самимий ва соф севгисидир.

Сюжет тараққиёти давомида дунёвий адабиётнинг бир-бирига боғлиқ бўлган яна бир қатор мавзулари илгари сурилади. Лутфий бошқа шарқ авторлари каби «Гул ва Наврӯз»га ҳамма вақт севишган ёшлар ўртасида гов бўлувчи зolim шоҳ образини киритмайди. Тўғри, достонда Гулнинг отаси шоҳ Мушқин қизини Хитой хоқонига беришга розилик билдиради ва уни элчилар билан мажбуран Хитойга узатади. Лекин Гул ва Наврӯз хоқон даргоҳидан қочиб кетишади ва уларнинг

ажралишига зolim шоҳ эмас, денгиз тўфони сабабчи бўлади: денгиздан сузиб ўтишда уларнинг кемалари ҳалокатга учрайди. Наврўз Гул билан тахта парчаларига ёпишиб, қирғоққа интиладилар. Лекин тўфон уларни подшоҳлари бир-бирига душман бўлган икки мамлакат қирғоғига олиб чиқиб ташлайди. Гул Аданга Наврўз Яманга тушган эди. Ҳар икки томон подшоҳлари ўз мамлакатларига Наврўз ва Гул каби кучли ва истеъдодли кишиларнинг келганидан фойдаланиб, уруш эълон қиладилар. Наврўз Яманда, Гул Аданда қўшин бошлиқлари сифатида жанг майдонига кирадилар. Кураш кескинлашиб, аскар бошлиқлари яқмама-яқма олишувга бошлайди. Жанг майдонига Гул Наврўзни таниб қолади. Ана шу кульминацион нуқта асар қаҳрамонларининг тақдирларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Икки ёшнинг муҳаббати подшоҳлар ўртасидаги адоватга, улар учун мерос бўлиб келаётган урушталашларга барҳам беради. Подшоҳлар икки идрокли ва доно ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирларига етишганлари ва уларнинг уруш тигини ерга ташлаганлари туфайли ўзаро жанжал ва қирғинни тўхтатишга мажбур бўладилар. Муҳаббат ўлимни енгади.

Достон сиёсий марказлашган ҳокимият тузилиши ва унинг кучли одил подшохи Наврўзни васф этиш билан хотималанади.

Лутфийнинг катта хизмати шундаки, у «Гул ва Наврўз» достони билан ўз даврида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мамлакатни сиёсий марказлаштириш каби муҳим бир проблемани адабиётга олиб кирди ва уни муҳокамага қўйди.

Мамлакатни темурийлар давридаги феодал урушларидан, харобатдан сақлаб қолишга чақирди.

Лутфий достонда бу ҳол тасодифий эмас «...Миллий давлатлар ташкил қилишга интилишнинг тобора ойдинроқ ва онглироқ кўринаётган тенденцияси ўрта

асрлардаги тараққиётнинг асосий омилларидан биридир».¹

Марказлашган давлат проблемаси «Гул ва Наврўз» достонининг асосий идеяси бўлиб, унда севги мавзуи инсонпарварлик, дўстлик, илм-ҳунарга муҳаббат, қаҳрамонлик каби ўз даври учун муҳим аҳамиятга эга бўлган идеялар билан ҳамоҳанг бўлиб боради.

Достонда ижобий қаҳрамонлар энг юксак олижаноб фазилат эгалари сифатида тасвирланади, салбий образлар эса қораланади.

Наврўз образи достонда ўз даврининг пешқадам кишилари қаторида турган юксак ахлоқ эгаси, идеал шоҳ сифатида талқин этилади.

Наврўз эски форс календари бўйича янги йил маросимида туғилади ва шунга кўра у Наврўз деб аталади. Наврўз ёшлик чоғидаёқ илм-ҳунарга ихлосманд, ақлли ва доно бўлиб етишади:

Кичик ёшдин қамуқ фанларни билди,

Кўпини ўз ақли бирла фаҳм қилди.

Не турди бир нафас, не урди бир дам,

Тамом ўрганди, билди барча ирдам.

Наврўз фақат ақлий тарбия олибгина қолмайди. У жисмоний машғулотни ҳам севади. Шоир унинг қуш ови билан шуғулланиши, арслонлар билан олишуви тўғрисида жуда катта муболага билан гапирди.

Наврўз Гулни оташин муҳаббат билан севади. Лекин у фақат Гулнинг вафоли ошиғигина эмас, балки, олижаноб хислатларга эга бўлган муккамал инсон образидир. Лутфий Наврўз шахсидаги жасорат ва ақлий фазилатларни очиб беради ва унинг образини тадрижий равишда тараққий қилдира боради.

Достоннинг бош қаҳрамонларидан бири — Гулдир.

¹ К. Маркс и Ф. Энгельс. Том XVI, ч. 1, стр. 444.

Лутфий ўрта асрда — хотин-қизларнинг ҳуқуқлари оёқ ости қилинган бир даврда яшаб ижод этди. Лекин, у гарчи хотин-қизларнинг ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш даражасигача кўтарилмаган бўлса-да, Гул образини яратиш билан ўз даври тушунчасига кўра, хотин-қизларнинг ҳурлиги, уларнинг жамият ишларида иштирок қилишларини орзу қилди. Бу билан шоир ўз даври ҳукмрон идеологияси, ислом динининг хотин-қизларга нисбатан бўлган муносабатлари доирасидан маълум даражада узоқлашди.

Гул ҳаётининг барча эзгуликларига муҳаббат боғлаган оддий бир инсон, шу билан бирга, олижаноб фазилати етук бир оқиладир, Лутфий Гулнинг мардлик, қаҳрамонлик сифатлари, айниқса ҳарбий маҳорати ва қобилиятини кўтаринкилик билан ҳикоя қилади.

Лутфий Гул образини яратишда, шубҳасиз, фольклор образларидан кучли таъсирлангандир. Гул Тўмарис, Ойсулув, Маликаи Айёр каби халқ қаҳрамонларига маълум даражада ўхшаб кетади.

Достонда бир қатор салбий образлар ҳам мавжуд. Лутфий уларни одамзоднинг энг ёвуз душманлари, ҳаётдаги барча эзгуликларни оёқ ости қилувчи қора кучлар сифатида тасвирлайди. «Гул ва Наврўз»да достоннинг бутун сюжети бўйича ўтувчи салбий образ йўқ. Шунга қарамай, достонда Ялдойи Заҳги, Шайх Нажди каби салбий персонажлар Лутфий томонидан усталик билан тасвир этилади.

«Гул ва Наврўз»нинг композицияси изчил ва ниҳоят-да содда бўлиб, сюжетдаги халқ элементлари асарнинг композицион хусусиятларини ҳам белгилаб берган. Автор халқ поэзиясидан таъсирланиб, ўз қаҳрамонларининг туғилишидан бошлаб, уларнинг турли-туман ҳодиса ва воқияларга бой ҳаёт йўллариини гоёт солдалик билан ҳикоя қилади ва кўп қиррали воқияларни турли композицион инверсиялар орқали изчил равишда бир

достон рамкасига келтиради. Шу йўл билан сюжетни асардаги бош идеяни ифодалаш учун хизмат эттиради. Юқорида қайд қилганимиздек, достон бадий шакл томонидан ҳам XV аср адабиётида муҳим бир ҳодисадир. Чунки, Лутфий ўзбек адабиёти тарихида биринчи марта мукаммал сюжетли ва кўпчилик қаҳрамонларга эга бўлган достон яратди. Лекин «Гул ва Наврўз» фақат Лутфий ижоди камолотининг мевасигина бўлиб қолмасдан, XV асрнинг биринчи ярмидаги бутун ўзбек адабиёти тараққиётининг натижасидир. Лутфий «Гул ва Наврўз»да аруз вазнининг ҳазаж баҳрига мурожаат қилди. Чунки, у яратаётган асар ҳам сюжет, ҳам воқиялари характер жиҳатидан традицион қаҳрамонлик достонларининг вазнини талаб қилар эди.

Ки гул вақти қафасда бўлса булбул,
Мафоилун, мафоилун, фоилун.

Достон ёзилган даврда ўзбек тилини адабий тилга айлантириш учун қатъий кураш борар эди. Лутфий ҳам бу курашда иштирок қилиб, «Гул ва Наврўз»да ўз она тилининг бой ички имкониятларини намойиш қилди.

Инсон ҳаёти ва унинг оой психологиясини яхши билган Лутфий сўз хазинасидан ҳам жуда катта санъаткорлик билан фойдаланди. У яратган ҳар бир тасвир қаҳрамонларнинг ички ва ташқи оламларини очиш учун хизмат қилади. Лутфий халқ мақоллари, образли ибораларидан кенг фойдаланади, бу — достоннинг бадий хусусиятини орттиради, уни ўқувчига яқинлаштиради.

Бироқ, Лутфий ижод» баъзи қарама-қаршилик ва бадий заифликлардан холи эмас. Шоир ўз лирикасида ҳам, «Гул ва Наврўз» достонида ҳам асар марказига қўйган проблемаларни ўрта асрдаги традицияга кўра идеалистик ҳал қилади. Достонда танлаб олинган ва ташвиқ қилинган идеаллар ҳаётдан анча йироқ. Улар-

нинг ўз даврида реаллашиши тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Шоир ўз асариди халқдан анча йироқ шахслар тўғрисида фикр юритади ва дostonга меҳнаткаш халқ вакиллари кирирмайди. Лутфий асарларининг тили қанча содда бўлмасин, улар ўз даври талабига кўра маълум даражада традициондир. Лутфий ижодининг бундай томонлари, шубҳасиз, шоир дунёқарашининг синфий ва тарихий чекланганлиги билан изоҳланади.

Лутфий ижоди узоқ асрлар давомида кўпгина шоирларга таъсир кўрсатиб келди ва севиб ўқилди.

Навийнинг «Хамса»сига кирган «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандари» каби асарларда айрим воқиалар ва образларнинг талқин қилинишида Мажлисийнинг «Қисса Сайфулмулк» достониди «Гул ва Наврўз»нинг бевосита таъсири сезилиб туради. Лутфий поэзияси Жомий, Навий каби машҳур сўз санъаткорларининг ижодий камолотига маълум ҳисса қўшди. Лутфий лирикаси кейинги асрларда Фузулий (XVI аср озарбайжон шоири), Ҳилолий (XVI аср тожик шоири), Махтумқули (XVIII аср туркмен шоири), Мунис Хоразмий, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Завқий каби шоирларнинг ижодларига баракали таъсир кўрсатди.


Лутфий асарларидаги гуманистик қарашлар совет кишилари учун гоят қимматлидир.

Лутфий 1462/63 йилларда вафот этди. Лекин шоир, қолдирган адабий мерос 500 йилдан буён яшаб, ҳурматга сазвор бўлиб келмоқда.

Лутфий ижодини илмий ўрганиш ва уни кенг омалаштириш фақат бизнинг социалистик давримиздагина бошланди. Бугунги кунда шоирнинг ёрқин образи, унинг нодир асарлари кенг ўқувчилар оммасига ҳар қачонгидан ҳам яқиндир.

Содир Эркинов





* * *

Эй пари юзлук бегим, жонлар фидо бўлсун сенга,
Дунйида ҳусн оти бор эркан, бақо бўлсун сенга.
Ҳадди махлуқотдиндур нори ул ҳусну жамол,
Улки йўқтур раҳм эрур, бу ҳам ато бўлсун сенга.
Ийманиб ҳосид тилиндин даст бермас чун салом,
Кўз учи бирла йироқтин марҳабо бўлсун сенга.
Чун вафосизларга бермишлар азалда кўркни,
Бу камоли ҳусн ила қойдин вафо бўлсун сенга.
Бир қиё боқсанг закоти ҳусн учун, эй кўркабой,
Лутфийи мискиндин ўлгунча дуо бўлсун сенга.

* * *

Жон неткай эрди дардинга ҳамроҳ бўлмаса?
Дунйида муниси ғаму. дилхоҳ бўлмаса?
Зулфу юзунг фироқида ошиқ нетар ҳаёт,
Онсиз керак, ки сол, доғи моҳ бўлмаса.
Кўнглум ёрилғай эрди, торилғаб фироқдин,
Эй вой агар бу кўз ёшно оҳ бўлмаса.
Дилбар итобу жавру жафо қилса ишидур,
Биздин керак вафода, ки бир оҳ бўлмаса.
Айтилмайин кўнгул ғами, жон етти ирнима,
Фарёд агар бу ҳолдин огоҳ бўлмаса!
Куйган кўнгулни хом тамаъ қилмас эрди ёр,
Кўз учидан карашмаси гоҳ-гоҳ бўлмаса.
Ултургай эрди Лутфийни ғам ёлғузун кўруб,
Биллоҳ, хаёли ҳозиру таллоҳ бўлмаса.

* * *

Жамолу ҳуснинга сўз йўқ, вафо керак бўлса,
Мени худ ўлтурадурсан, раво керак бўлса.

Кўнгул чу билмайин ўз ҳаддини сени севди,
Балоу ғусса била мубтало керак бўлса.

Жафони жонима оз қилки, ногоҳон бир кун
Жафо тугатса нетарсен, жафо керак бўлса?

Кўнгулни ўзгага бергил деманги, мушкилдур,
Жаҳонда сиз киби бир дилрабо керак бўлса.

Кишиким ўз жониға қасд этар, сени севсун,
Дағи эшикинга келсун, бало керак бўлса.

Жамолу жоҳ элидин юз фароғатим бордур,
Ўрамунг ити менга ошно керак бўлса.

Уқу бу Лутфий мунглуқ ниёз номасини,
Савобу алқичу юз минг дуо керак бўлса.

* * *

Сенсен севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки қилич келса бошимға эшикингдин,
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзунг ашқолина ҳаргаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йиғидан қолмади сенсиз,
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

* * *

Сунбулингни кўргали гулдек рухи ол устина,
Бошни гўй этмишмен ул чавгон учун хол устина.
Эй қуёш юзлук, саодатдур ҳумоюн кўзларинг,
Бу гадо султонлиқ истар, сояе сол устина.
Чун хаёлингнинг кечар ери кўзум дарёсидур,
Қирпуқимдин боғладим ул ваҳж ила сол устина.
Гўшаларда қон қилур эрди кўзунг, ондин қошинг.
Чин черикни чекти ул жодуйи қаттол устина.
Ул тани сиймин уза ел текса титрар кўнглаки,
Титрагай андоқ, ки мудхал ганж ила мол устина.
Билмагай ул тил оғиздин, ҳеч йўқ қайғу била,
Лутфийнинг умри туганди қил ила қол устина.

* * *

Ез бўлди, керак ул бути айёр топилса,
Барча топилур, бизга керак ёр топилса,

Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур,
Ҳар кимки букун дунёда ҳушёр топилса,

Мен кезгучи қулнинг турурин сиз не сўрарсиз!
Истанг мени ул ердаки, дилдор топилса.

Савдойи бўлубмен, чу кўнгул зулфина бердим,
Савдо бўлур ондаки харидор топилса.

Жаврунгни мэн хастаға қил, ўзгага қилма,
Марҳамни ёқ ул ергаки, афгор топилса.

Ҳақдин, э кўнгул, ўзга нима қилма таманно,
Сен хастаға ул ердаки, дилдор топилса,

Лутфийни агар ноз ила ўлтурса, ажаб йўқ,
Дилбар кўп этар ноз ҳаводор топылса.

* * *

Оҳким бағрим фироқ ўти уза бўлди кабоб,
Мажлисим нуқли ғаму андуҳу кўз ёшим шароб.

Гул юзунг ҳажринда ўздин кетгай эрдим дам-бадам,
Гар бу сориг юз кўз узра урмаса ҳардам гулоб.

Фирқатинг чўлинда ҳар бир йўл уза ўтруб кўзум
Этти тожиклар тилишча, кимни кўрса: «Хожа, об!»

Ким сенинг ҳажрингга тушса ногаҳ, эй жон муниси,
Ўз жониндан эрикиб топмас ўлумни орзулоб.

Ғамза то бўлди, отиб кўрчидағи ҳожиб қошинг,
Лутфи кўнгли мулкани қилдинг жафо бирла хароб,

* * *

Эй ғамза била кўнглум уйин қилғучи ғорат,
Асру дағи бузма, чу сенингдур бу иморат.

Иттек чу мени жон тортуратургунча мунунглек,
Кўз қоқ биру кирпук ўқина қилғин ишорат.

Сен ҳусн ила бойсен, сенга чун фарз дурур ҳаж,
Қил, тенгри учун, қаъбаи кўнглумни зиёрат.

Юз сурмадин ортуқ тутар иринг тузини кўз,
Тортиб билайин бўлмаса онда бу басорат.

Ер узра этак судраб ўтубсиз онинг учун,
Туфроқ ила ҳар ерда раво бўлди таҳорат.

Ҳажрингда кўзумнинг садафидин тўкулуб дур,
Ҳардамки, келур ёдима ул лафзу иборат.

Бу Лутфининг оҳи ўтидин куймади кўнглунг,
Куйдурди фалак бағрини, лекин бу ҳарорат.

* * *

Хат қилди юзунг мусҳафидин ҳусн ривоят,
Ул мусҳаф уза хатнинг эрур ҳуснунга оят.

Меҳрингдин аё, ойу, фалакка етар оҳим,
Қилмас, нетайин, кўнглунгга бир зарра сироят.

Жон топти иморат қадингиз тузлуки бирла,
Маъмур бўлур адл ила ҳар қайда вилоят.

Гар меҳру вафо бўлмаса, йўқтур тамаъим кўн,
Ул кўздин эрур бир назаре бизга кифоят.

Ул юз била меҳримнинг эмас ғояти пайдо,
Андоқки сенинг ҳуснунгга йўқ ҳеч ниҳоят,

Ҳайратқа қолиб писта огиз очтию қолди,
Мажлисда чу оғзинг соридин кечти ҳикоят.

Ҳақ бирла ниёзинг агар, эй шоҳ, бор эрса,
Қил Лутфийи мискинга жафо бирла рият.

* * *

Эй ғамзаси мискивлара кўп қилувчи бедод,
Жоду қароқинг сеҳр ила Ҳорутға устод.
Бир йўли бу бечора дуочингни унутма,
Бир кун сенга бу сўзларимиз келгусидур ёд.
Фарёдим ўшул ерга етибтурки, нечаким,
Фарёд этарам мендин эшитмас киши фарёд.
Тоғни эритур оҳим асар қилғуси бир кун,
Кўнглунг нечаким бўлса темур, тош, доғи пўлод.
Бор қуллуғунгуз ишқи ҳануз сарв бошинда,
Тузлук била гарчи ани қилмиш қадинг озод.
Ҳамдард ила ҳолимни дейинким, туша бовар,
Ул дам ки, йўлуқса менга маҳшар кунни Фарҳод.
Бу Лутфийн бечорага гаҳ-гаҳ назар айла,
Эй турки суман сайду, э сарви паризод.

* * *

Утлуқ кўзунгни кўргали бағрим кабоб эрур,
Сиздин не ёшурай, кўнгул йши хароб эрур.
Йиғларман эшикингда, очилмас не бобдин?
Емғур ёғарда қоида, чун фатҳи боб эрур.
Ул юзу зулф учун ўлайин мен ки, олида
Жаннат гули бинафшаси беобу тоб эрур.
Маншур ости юз сори даввийн ҳусн учун,
Кун гардишинда зулфи ки, молик рикоб эрур.
Бошингди эрулуру садҳа бўлғали қамар,
Бандангдурур агар маҳу гар офтоб эрур.
Сув элтти борса, мен кўзи гирёнга боқмағай,
Кун чоштгоҳда кўзиким масту хоб эрур.
Лутфий хаёли бирла йироқтин сабур бўл,
Ул пок этаклик асру чу олижаноб эрур.

* * *

Бўлмаса гар ул санами гул узор,
Бизга хазонтек ўла бу навбаҳор.

Ердин агар келса қилич бошима,
Зарра фироқ этмагамен ихтиёр.

Йўлида тупроқ ўлайин от учун,
То менга қилғай гузар ул шаҳсувор,

Қоши учун жон берурам, дўстлар!
Тоқ қўпорингиз ёсоғонда мазор,

Елғуз эмас, Лутфиким, ул гул учун
Нолау фарёд қилур сад ҳазор.

* * *

Жодулуқтин ҳар дам ул ўтлуқ кўзунг жон куйдурур,
Нор менгизлик икки ирнинг лаъли маржон куйдурур.
Бўрқаъ олғонда юзунгни шамъ кўрмиш тун кеча,
Ул сабаб боштин оёққа риштан жон куйдурур.
Кун менгизлик юзунгга ўзин даричангдин солиб,
Сийна ҳасрат доғи бирла моҳи тобон куйдурур.
Ҳар нафас кўкка етар бағрим кабобиндин тутун,
Нетайин, жонимни ҳардам оҳи ёўзон куйдурур.
Лутфийнинг кўксин ҳадаф қилса ўқунг пур саҳми бор,
Ким, анинг бағри ўти, албатта, пайкон куйдурур.

* * *

Чехрадин бурқаъму олдинг моҳи тобон кўрнадур,
Е табассум айладингму, суврати жон кўрнадур.

Уйқуда эркан магар зулфунгни тоғитти сабо,
Ким бирор юссам кўзум, тушум паришон кўрнадур.

Майл қилғоли кўзум унноб янглиғ ирнинга
Толеъим ашколи ичра дам-бадам қон кўрнадур.

Тун кеча ўн тўрт тунги ойни кўрмиш юзунг,
Ушбу кун ойнинг жамоли ичра нуқсон кўрнадур.

Кўз кўра ўлтурмак одам ўғлини душвор эрур,
Недин ул ғамзангға мундоқ саҳлу осон кўрнадур.

Рост қилди худ висолинг ганжина кўнглум уйин,
Охири фикр этсам онинг иши вайрон кўрнадур.

Кўргали тишинг била ирнингни Лутфийнинг кўзи,
Кирпуки устида ҳардам дурру маржон кўрнадур.

* * *

Зотингда ҳақ изҳори камолот қилибтур,
Уз нури била сувратингизни яротибтур.

Ўн жузв турур эрди бори ҳусну малоҳат,
Қисмат куни ҳақ тўққуз улуш сизга берибтур.

Бир жузвки Юсуфға тегиб эрди. чу борди,
Онинг учун ул ҳам сенга мерос қолибтур.

Кўрмиш қора соч ҳалқаси остинда менгингни,
Жим ўртасида ул кишиким нуқта солибтур.

Айшу тараб асбобини элга улашурда,
Ҳусн эли карашмалари жонимға тегибтур.

Ҳар фитнаки, ангиз қиладур ул қора қоши,
Елғиз менинг олимға азалдин ёзилибтур.

Айиттимки: «Бу Лутфийга жафо қилма, вафо қил!»
Айтурки: «Бизинг даврда ул расм қолибтур.»

* * *

Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибтур,
Жаҳон ҳуснин борин сизга берибтур.

Парию одами мундоқ хўб эрмас,
Фаришта гўиё кўктун энибтур.

Қуёш ойдек юзунгнунг хижлатидин
Қочиб, тўртунчи кўк узра чиқибтур.

Юзунг ногаҳ кўруб ойдек соғиндим,
Магар ҳушу хирад мендин кетибтур.

Хирад кетмай нетар мендек гадодин?
Қошимға ул шаҳи хўбон келибтур.

Қилур даъвийи нур ул шамъи мажлис,
Магар парвона шомимдин олубтур.

Неча бу Лутфий қулға жавр этарсен?
Вафо қилким, жафо ҳаддин ошибтур!

* * *

Ҳалқа-ҳалқа зулфким ул моҳи тобониндадур,
Чинга боқсам долдек хуршед анинг ёниндадур.

Порсо мусҳаф юзин кўрса, равон жон вақф этар,
Дилраболиқ ояти гўё анинг шониндадур.

Зарратек тор оғзидин қайдин топилсун бизга ком,
Қим калом аҳли ақал дерларки, йўқ сониндадур.

Ғолибоким Юсуфи Мисрий тушунда кўрмади
Ул ҳаловотларки, лаъли шаккар афшониндадур.

Бир қатиг жонлиқ жаҳонда кўрмадим кўнглум
бикин.

Қим чекар жавру бурунқи аҳду паймониндадур.

Хўблар бўлмас мунингтеқ шўх-шангу дилрабо,
Бу қилиқлар барчаси ул ишванинг кониндадур.

Лутфи қул кирмас битиққа кўп насиҳат
қилмангиз.

Қим анинг девона кўнгли ишқ фармониндадур.

* * *

Ростлиқ ҳаққи, муҳолиф бўлмадим ҳеч, э нигор,
Най бикин бағрим тешиб ингратма мени зор-зор.

Хизматингда боғладим белимни, бармоқ кўз уза,
Мен қабул эттим нафас ҳар неча бўлмас хор-хор.

Чангдек қаддим неча жаврунг алидин бўлди хам,
Нола йўқ, аъзом уза гар бўлса ҳар раг тор-тор.

Ул туранжу, ғабабу бодом кўзунг ҳурмати,
Олма душман сўзини кўнглум элига солма нор.

Ич бўлиб нокас рақибим, тош бўлди ўрнумиз,
Эшикингда итча ҳам бўлмади бизга эътибор.

Эшикингиз тупроғиндин гард ўлуб учсун таним,
Мендин ўлтургунча нозук хотирингизга губор.

Ҳар жафоким келса сендин Лутфига миннат, вале
Қилмаган ёзуқни кечруб қилгон андин даргузор.

* * *

Сени жамъи ки, гулрухсор дерлар,
Мени ҳам андалиби зор дерлар.

Бу ҳад эрмас эрур рухи мусаввар,
Равон улким, ани рафтор дерлар.

Назар аҳли кўруб нортек янгоқинг,
Масал: «Бир нору, минг бемор»дерлар.

Табиблар борча дардиндин ҳаросон,
Тирилмакни баса душвор дерлар.

Сочинг Рум ичра Чиндин бош чиқарди,
Ани ул важҳдин сусмор дерлар.

Не кўнгли содда элдур ишқ эликим,
Сенингтеқ бевафони ёр дерлар.

Адамдур ул оғиз фикринда Лутфий,
Халойиқ билмай они бор дерлар.

* * *

Сўзларда қачонким кўзи қоши билa ўйнар,
Ҳар гўшада юз минг киши боши билa ўйнар.

Нун қоши учун баҳр қилиб ер юзини кўз,
Ул моҳи кўзум мардуми ёши билa ўйнар.

Шатранжи латофатни ўтар нечаким ул ой,
Рух тарҳ бериб, чарх қуёши билa ўйнар.

Кўргузса қаро, барҳам урар Чину Хитони,
Кўз устидаки холи чу қоши билa ўйнар.

Жон нақдини кўзунг қошида ўйнаса, Лутфий,
Айб этмаким, ул ғамза кенгоши билa ўйнар.

* * *

Қароқларинг ки, тинмай қон қилурлар,
Карашма мунча қойдин ўрганурлар.

Зиҳи давлатлиқ ул икки қошингим,
Кумуш тахт узра оғношиб ётурлар.

Севингапдин гул ўз тўниға сигмас
Ким, они юзунга нисбат қилурлар.

Менга лаълинг ғаминда қон кўрунур,
Муважжимға нечаким, кўргузурлар.

Кумуш чун лутф ўғурлар соидингдин,
Тутуб анбур билa ўтқа солурлар.

Мени ўлтурмаса ул кўзлар ўйнаб,
Нағу ҳар гўшада юз ёшурурлар?

Сенга бор майли дерлар ул парининг,
Мени удтек бу сўзга куйдурурлар.

Керак ошиқ кишиларға жафоким,
Кўнгул ҳар бевафоға олдурурлар.

Муқассирдур сочинг васфинда Лутфий,
Сенинг юзингдин ашъорин ўқурлар.

* * *

Қоба қавсайни мақоминда кўзунг қон қиладур.
Ҳар дам ул кўнгли аро қасди мусулмон қиладур.

Кун юзунг олинда зулфунг кибидур зулмоти,
Кимки ой деса сени ҳуснунга бўҳтон қиладур.

Қиё боқмоқда агар қилмаса қон жоду кўзунг,
Гўшада не учун ой ўзини пинҳон қиладур?

Гарчи жон аччиғи душвор эрур одамига,
Менга ширин дудоғинг хандаси осон қиладур.

Аҳли савдоға қилур бўлса, татаввул турранг,
Бошта кўнглум қора бахтини паришон қиладур.

Чила бир кўрган учун заҳиди меҳробнишин
Қошларинг ёси учун жонини қурбон қиладур.

Жон берур Лутфию йўқтур севариндин гиласи,
Ҳарне бедоду ситам жониға ҳижрон қиладур.

* * *

Ул зулфи тузоқики, кўнгул сайди учундур,
Ҳар ҳалқаси сармойя асбоби жунундур.

Йиллар керак ул ғамзага шогирдлик этса,
Ҳорутки, устои тилисмоти фусундур.

Чун ақл кичикликдау ой янги эканда,
Ҳуснунглағи бу дарди дилим рўзи фузундур.

Бурқаъни кўтар, тенгри учун, эл сени кўрсун,
Бу ҳусну малоҳат яна қайси кун учундур?

Лутфийким, очун хонларини илмади кўзга,
Қул бўлди жамолингғау ишқингда забундур.

* * *

Кўзунг қораси фитна, вале сқи балодур,
Жонлар оладур, ваҳ не бало кўзи қародур?

Кўз устида жон олғувчидир холио қоши,
Бир-бирга бари фитна қотилған не балодур?

Ҳамдарддур айтай анга ҳолимким, инонғай,
Гулшандин ўшул булбули мискин ки жудодур.

«Бош ўйнайину жон берайин васл учун» айттим,
Хуш-хуш кулиб айтур мангаким: «Яхши баҳодур».

Кўп қилма анинг жавридин, э Лутфи, шикоят
Ким, ҳусн эливинг шеваси пайваста жафодур.

* * *

Кўргали лаълинг ақиқин кўнглум ул ён тортадур,
Бу ямон андишаликни гўёё қон тортадур.

Дод кўзургдин ки, динга неча юз урсам, мени
Куфр сори сеҳр ила ул номусулмон тортадур.

Олила жон тортадурман, то магар тушгай қабул,
Бир назар қилмас бу мискин сори ким жон
тортадур.

Хоки пойеким, анга зулфи тегар кўп истарам,
Е мени тупроқ, ё ризқи паришон тортадур.

Майл этар ўз жинсиға ҳар жинс ўзини ложарам,
Бели сори ул каманди анбарафшон тортадур.

Қошлари ёсин қулоққа еткура тортар кўзи,
Икки ёни масти лояқил не осон тортадур?

Иўқ турур ёлғуз бу Лутфий жонига жаври рақиб,
Қайда бир доно дурур ул жаври нодон тортадур.

کو نکالی اللہ کی عقیقین کو نکلوں اور تار باد
 بو میں نہ دیکھ لیکن کو سیاہان تار باد
 دا کو نہ کم دین کہ دیکھ کچھ یوزا دور سنی
 کفر ساری کرا ایلا اول ناما مسلمان تار باد
 ایسے جان تار باد دور سین با کمر تو کھای
 بر نظر قیلاس بو مسکین ساری کم جان تار باد
 خاک بوسی کم انگار زنی شیخار کو تار باد
 یاسینی تو براق یازرق پریشان تار باد
 سیل آسار اوز جنسی غمہ جنس اوزنی لاجم
 قاتلاری یاسین تو لاق قہ میکورہ تار باد
 یوقتوروریا لغوز بو لطفی جانینہ جور
 ایکلی مانی مست لایصل نی آسپان تار باد
 قایدہ میردانا دورورا اول حور نادان تار باد

لutfий «Девон»нинг бир саҳифаси.
 (XVI аср қўлёзмаси)

* * *

Лаълиға боқсам билурким кўнглум ул ён
 тортадур,
 Ноз ила ўлтурғали айтур: «Сени қон тортадур».

Чашми масту жом лаълин кўргай эрди Хизр агар
 Ичкай эрди бола улким обиҳайвон тортадур.

Соҳири Бобилки, сеҳр ичра мусалламдур буқун,
 Ғамзангизнинг саҳмидин юзига қалқон тортадур.

Гарчи умрум кечти нола бирла ул гул дардидин,
 Сўрмадиким: «Бу не булбулдурки, афғон
 тортадур?»

Ул сенинг ойдек жамолингни йироқтин дунйида
 Кўргаман, деб банда дойим меҳнати жон
 тортадур.

Зулфунгиз элтур мени гаҳ Қаъба, гоҳи дайрға,
 Бандани ҳар ергаким рўзи паришон тортадур.

Борди бермай шарбати васлин бу хаста Лutfиға,
 Умр борди-ю, ҳануз ул ранжи ҳижрон тортадур.

* * *

Нортек янгоқинг шавқидан жонлар бари афгор эрур,
Қўнглум қачон топсун мурод, «бир вору минг бемор
эрур!»

Мен худ ажалдин ишқингиз йўлинда қайғурман вале,
Юзунгни кўрмай ўлганим ҳажрингда бас душвор эрур,

Ирнинг хаёлин гар ниҳон тутсам кўнгулда, не ажаб,
Муфлис киши топса гуҳар ёшурмоғи ночор эрур.

То зулфингиздин боғладим зуннор тарсолар бикин,
Иймоним ортар дам-бадам, бу не ажаб зуннор эрур.

Қўрсанг эшикингда мени беҳуд тушиб, айб этмаким
Ақлимни ғорат қилғучи ул ғамзаи айёр эрур.

Исо фалакка ошти чун бўлди лабинг жон бергучи,
Шармандаликдин кетмаса кўкта анга не бор эрур.

Келди эшикка орзу юзинг дурур кўргуз чиқиб,
Келгивки, Лутфий ҳожати учмоқ эмас дийдор эрур.

* * *

Кўзим назари токи юзунгузга тушубтур,
Жон бирла кўнгул ишқинг ўти ичра куюбтур.

Ер ирни била урмангиз, эй қанду шакар, лоф!
Чун оби ҳаёт ўфганиб андин ёшунубтур.

Занбури асал оғзи тўла шаҳд эканидин,
Ирнингни кўриб, бемаза деб, бол тўкубтур.

Ҳар қайси пари сувратингиз аксини кўрди,
Девона бўлубон илигян тишлаб ўтубтур.

Қаддингни бу Лутфий демагай сарви сиҳиким,
Юз сарв анинг олида хизматта бўлубтур.

* * *

Кирпукунг наштар уруб ҳар дам бағирдин қон олур,
Сеҳр этар жоду кўзунг, тўйғунча тандин жон олур.

Гарчи душвор ул азиз жон бермак одам ўғлиға,
Ғамзанга қилғин тафарружким, не хуш осон олур.

Ноғаҳон бир кун куларда дур тишингни кўргали,
Ҳар кеча икки кўзумдин юз сабақ Уммон олур.

Жон сенингдур, тан дағи, сен хоҳ куйдур, хоҳ ол,
Муўтақид қул шоҳидин тан-жон била фармон олур.

Шевангиз қасд этти кўнглум олса, қўймиш топмади,
Лутфий қулнунг англасам жонин анга товон олур.

* * *

Неча бағрим ўт уза нортек янгоқинг куйдурур?
Неча жоним жавҳарин сиймтек сақоқинг куйдурур?

Неча меҳроб ичра мени ҳар кеча тонға тикин.
Шамътек боштин оёқ ул жуфту тоқинг куйдурур?

Қошу кўзу, зулфу юзу қоматинг қасдимдадур.
Қайсини айтай, мени боштин оёқинг куйдурур.

Ҳажр ўти бирла рақиб жаври бағирни куйдуруб
Қолғанин гаҳ-гаҳ бирор ҳол сўрмамоқинг
куйдурур.

Куймади чин ишқ ўтинда сандонтек вужуд,
Ложарам уддек ани ҳоли фироқинг куйдурур.

Етмас эрди бизга ул фил-фил янгоқинг ўтида
Ким, яна афсун била жоду қароқинг куйдурур.

Ўт агар сувни куюрмас бўлса, э жони жаҳон,
Не учун бу Лутфийнинг жонин дудоқинг
куйдурур.

* * *

Ераб, ул дилбар малак ё ҳур, ёхуд жон эрур,
Ҳақ назар ондин кўтармас, халқ анга ҳайрон эрур.

Шаккар оғзингким кичикликта ёшурди заррани,
Ул қуёш юз узра гаҳ пайдоу гаҳ пинҳон эрур.

Ою кун юзунг била лоф урсалар, йўқтур ажаб,
Оре, лоф урмоқ йироқтин барчаға осон эрур.

Оғзинг ўлтурди табассум бирла бизни, тонмағил,
Гар киши ўлтурмаса, ул не учун пинҳон эрур?

Қўймағил ҳардам рақибимни қошингла, сур, бегим,
Ким қўтур итнинг дамидин барчаға нуқсон эрур.

Гарчи зулфунг чинида кофир бўлуб эрди кўнгул,
Бурқаъ олғил чеҳрадан гар толиби йймон эрур.

Даври ҳуснунгда жафо бирла бу Лутфий кўнглин ол,
Едгори ҳусн оре, дунйида эҳсон эрур.

* * *

Ез фасли барча шоду кўнглимиз ғамнок эрур,
Гул бикин жон кўнглаки ҳижрон алидин чок эрур.

Эй фироқ, ўлтур мени, филҳол қутқор қайғудин!
Ерсиз аччиқ умр заҳру ажал тарёк эрур.

Арэ қилма гулларингни бизга онсиз, эй баҳор,
Қайси гулнинг этаги охир анингтек пок эрур.

Жон агар ул ораз учун борса йўқ кўнглида раҳм,
Сувсизин юз болиғ ўлса, баҳрға не бок эрур.

Турбатимнинг тошига мундоқ битингим: «Лутфий қул
Тош бағирлиқ ёр учун фарсуда бўлгон хок эрур.»

* * *

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фироқ эмиш,
«Кўздин йироқ бўлса, кўнгулдин йироқ» эмиш.

Тинмас хаёли кунжина кўз ёши қатрадин,
Юз сорина югургучи гулгун буроқ эмиш.

Бўлмас висол бирла кўнгул дарду доғи кам,
Ул тўймағурда, ваҳ, не бало иштиёқ эмиш.

Қон боғлади жигарлари ул ғамза саҳмидин,
Чину Хитода нечаки оҳу қароқ эмиш.

Едек бўюмни эғди қошинг бори ғам била,
Қим эгриликда даври қамар ичра тоқ эмиш.

Бузди қарочерик била кўнглум вилоятин,
Ул кўзки, турклардек иши таламоқ эмиш.

Лутфий, Ҳирида қолмади шэърингга муштари,
Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ эмиш.

* * *

Жону кўнгул кишварининг хонисиз.
Ҳусну латофат танининг жонисиз.

Ваҳ ки, не хуш толеъи масъуди бор,
Ул фалакиким, маҳи тобонсиз?

Бизни сучук сўзларингиз қилди сайд.
Сиз бу оғиз бирла шакар конисиз.

Жону кўнгул ичра урарсиз қадам,
Қайси чаман сарви хиромонисиз?

Шевада они ки тўкар эл қони,
Хуни тутиб, сиз, э бегим, онисиз.

Мангу яшар ким ки кўрар сизни бир,
Ваҳ не Хизр чашман ҳайвонисиз.

Лутфийи мискинга бу ҳижрон туни
Раҳм қилинг, гарчи ки султонисиз.

* * *

Жон ҳасрат ила куйдию дилдор топилмас,
Барча топилур бизга, вале ёр топилмас.

Гул келди юзунг давридаким ҳусн сотай деб,
Айландио ҳеч ерда харидор топилмас.

Ағёр бикин жону кўнгул кетти қошимдин,
Ғамдек менга бир ёри вафодор топилмас.

Эй соқийи мажлис, сол иликтин қадаҳу жом,
Ким, кўзларининг даврида ҳушёр топилмас.

Дедимки: «Рақибимни қошингдин кўтар!» Айтур!
«Бир гул қаниким олида юз хор топилмас?»

Эй ҳажр, кўтар ёш ила кўзум қорасини,
Кўзни нетайин, давлати дийдор топилмас.

Қил муҳр оғиз хотамидин Лутфининг оғзин,
Ким дунйида бир маҳрама асрор топилмас.

* * *

Дилбар эшигинда турса бўлмас,
Бурқаъсиз ул ойни кўрса бўлмас.

Қонимни тўкар лаби ёзуқсиз,
Андин нетайинки, сўрса бўлмас.

Бир дам рақиб илгидин қошинда
Кўз ёши менгизли турса бўлмас.

Эл юзига боқсалар, ўлармен,
Хуршедни нетай, ёшурса бўлмас.

Ишқ ўтида, Лутфий, йиғлама кўп,
Сув бирла они ўчурса бўлмас.

* * *

Дунйини кездиму зебо сени-ўқ кўрдум бас,
Бу малоҳат била, ҳаққо, сен-ўқ кўрдум бас,

Рост, чун бўлди азалнинг куни саф-саф арвоҳ,
Барчадин ҳусн ила якто сени-ўқ кўрдум бас.

Дилраболиқ фарнким қилдин эрур нозуқроқ,
Мен ўшул илмда доно сени-ўқ кўрдум бас.

Андаким бўлди йиғин ҳусн элининг мажмаида,
Шамътеқ анжум аро сени-ўқ кўрдум бас.

Етти иқлим ичида дар-бадару шаҳр-башаҳар
Ҳусн учун кездиму, раъно, сени-ўқ кўрдум бас.

Қолди қил учи адам бўлғоли жон оғзинг учун,
Улки билгай бу муаммо сени-ўқ кўрдум бас.

Лутфини тиргизадир хар нафас ул лаъли лабинг,
Ушбу дам ичра, Масиҳо, сени-ўқ кўрдум бас.

* * *

Сенинг ширин лабинг жондин қолишмас,
Сочингнинг куфри иймондин қолишмас.

Хито турки анингким неча бўлса,
Кўзунгнинг шеваси ондин қолишмас.

Равомудур мени ўлтурса ташна,
Лабингким обиҳайвондин қолишмас.

Кўзумнинг ёшидин иймангил охир,
Ки ҳар бир мавжи тўфондин қолишмас.

Эшикинг итина ким бўлса йўлдош,
Онинг иқболи султондин қолишмас.

Езуқтур, тўкмасун ёшимни лаълинг,
Ким ушбу ол ёшим қондин қолишмас.

Қилинг таҳсин била Лутфийни дилшод,
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас.

* * *

Эй сенинг жавру жафонг меҳру вафодин яхшироқ,
Ул сенинг ойтёк юзунг бўлсун ёмон кўздин йироқ!

Ҳусн элиндин тоқ эрур меҳробтек икки қошинг,
Кўрмади ер юзини кезган мунунгтек жуфту тоқ.

Ҳар ёмон сўзи била ўлтурма бизни хору зор,
Расм эрур шоҳлар вафолиқ қулни яхши асрамоқ.

Ҳар саҳар ёрабдин илкимни кўтарсам йиғлаю
Ўртанур оҳим ўтиндич етти фирузи равоқ.

Лутфий кўнгли баҳридин васфинг дурин дарж
айлади,
Бир замон неча оғир келса, анга тутгин қулоқ.

* * *

Ултурур ҳижрон мени, ул роҳати жондин йироқ,
Тушмасун гул мавсуми ҳеч кимса жонондин йироқ.

Ез фасликим эрур айшу тарабнинг мавсуми,
Солди булбултек мени гардун гулистондин йироқ.

Лолатек бағримда доғ эрди, ажабким, қолмишам,
Бир суман, бир юзи гул сарви хиромондин йироқ.

Дўстларнинг кўнгли гултек очилиб гулгашт аро,
Мен сўзунгдек ёзида ул айшу жавлондин йироқ.

Эй кўнгул, ҳасратда жон бергил, дағи васл истама
Ким, эрур меҳру вафо ул шоҳи хўбондин йироқ.

Кўркнинг боғинда йиғмиш маҳвашим гул хирмани,
Бир нафас ул важҳ ила эрмасман афғондоя йироқ.

Лутфи зулфу юзудин ҳайрат мақоминда тушуб,
Бир ажиб оламда қолмиш куфру имондин йироқ.

* * *

Ишқ тушса ҳар кўнгулга дарду ғамдин чора йўқ,
Этса чун наштар жароҳатқа аламдин чора йўқ.

Эй вужуд, ул тор оғиздан ҳеч бўлсанг не ажаб,
Ушбу йўлда юрганларга адамдин чора йўқ.

Бир тутуб зулфингни юз минг заҳр топдим зулмидин,
Оре-ореким, йилон тутқанга самдин чора йўқ.

Юзунга боқсам кўзум ёшин кўруб айб этмагил,
Ез булути бўлса пайдо гулга намдин чора йўқ.

Мен бу савлода надоматтин угун суд кўрмадим,
Ким тижоратда зиён қилса, надамдин чора йўқ.

Ой юзунга зулф ўзин солса не тонг бўлғай, вале
Тун узун бўлса нечаким субҳидамдин чора йўқ.

Эшикиндин қувлама бу Лутфийнинг журмин кўруб,
Ким бу боб ичра каримларга карамдин чора йўқ.

* * *

Эй кўзунгнинг шеvasи оламни мадҳуш айламак,
Зулфунг иши Чин элини ҳалқа дарғуш айламак.

Белинг-у оғзинг хаёли бирла бўлғумдур адам
Ким, бўлур мен қулга фикри бўсу оғуш айламак.

Кўнглумиз мундоқким ўрганди сенинг ёдинг била,
То қиёмат келмагай биздин фаромуш айламак.

Эй кўнгул, нўш айла ўрнунг муддаи аччиқ сўзин,
Ким, керак ул лаъл учун хунобалар нўш айламак.

Ишқдин манъ этса зоҳид бўлмағил машғул ҳеч
Ким, эрур «Аҳмоқ жавоби, Лутфи, хомуш айламак».

* * *

Эй парирухсорлар, бизга нигоҳ айлаб ўтунг,
Бир назар бирла гадони подшоҳ айлаб ўтунг.

Гарчи ўтганда кирарсиз кўп кишининг қонина,
Бу гадо кўнгли учун мунча гуноҳ айлаб ўтунг.

Хорлиқ ҳаддин ошурманг, чунки иззат йўлдадур,
Отингиз наълинда бизни хоки роҳ айлаб ўтунг.

Ҳар қачон жон берсам ул қадду оғиз ёди била,
Эй муҳиблар, турбатим устинда оҳ айлаб ўтунг.

Ҳар нечаким сизга захматтур, закоти ҳусн учун
Илтифоте Лутфи сори гоҳ-гоҳ айлаб ўтунг.

* * *

Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг,
Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг.

Урганмагу кўз ёшию ўлмактурур ишим,
Бу қиссани ул шамъи шабистонима айтинг.

Қат-қат юрагим боғлади қон, гунча менгизлик,
Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур юз уза юлдуз киби сонсиз,
Ул кўзлари чўлпон, маҳи тобовима айтинг.

Лутфийи дил афгор тилар ҳажр элидин дод
Аҳволини ул бегимау хонима айтинг.

* * *

Неча қўйгай бағрима доғ, ул юзи моҳим менинг?
Неча ёндургай фалакнинг шамъини оҳим менинг?

Йўлдин озди ноғиҳон зулфун кўруб мискин кўнгул,
Йўллар эгри, тун узун нетгай бу гумроҳим менинг.

Хуш ярашур сарвтек қадди уза сийм олмаси,
Оҳким, етмас анга бу дасти кўтоҳим менинг.

Эмдиким, тупроқ бўлмишдур эшикингда таним,
Қайладур ҳосид, ки кўргай давлату жоҳим менинг.

Чарх урар хазро сародиқта фалак шоҳидлари,
Хаймадин бир тўн-ла чиқса моҳи хиргоҳим менинг.

Нолишим берди эшиги итларига дарди сар,
Афв қилгайлар карам бирла бу бироҳим менинг.

Бўлди якто дур тиши васфинда Лутфийнинг сўзи,
Не ажаб, тутса қулогини анга шоҳим менинг.

* * *

Неча куйгай бу ёнар ўтқа заиф жоним менинг?
Қолмади сабр этгали бир зарра имконим менинг.

Кес бошимни гўйтек, хайлинг адоқи ичра сол,
Қўйма саргардон мени, эй зулфи чавгоним менинг.

Чун кишининг қонин айтурларки, ётмас, эй ажаб,
Лаълингизда не учун мундоқ ётур қоним менинг?

Мақдамингга сочқоли юдин ўгун йўқ олтулум.
Бор вале кўз баҳрида кўп дурри ғалтоним менинг.

Мен гадони нотавонлиғ бирла ўлтурди кўзунг,
Қимга бўлгай охир, эй султон, бу товоним менинг?

Ою кун юлдуз киби ерга ўзин солмоқ тилар,
Чиқса хиргаҳтин бирар, ул моҳи тобоним менинг.

Жон боринча қилмагай Лутфий фиғон бедоддин,
Додким, берсун, қилур чун жавр султоним менинг!

* * *

Эй саҳи қад, бандани ҳажр илкидин озод қил,
Қайғулуқ кўнглумни васлинг бирла бир дам шод қил.

Жонима ҳардам келиб айтур фироқинг элчиси
Ким: «Равон тан мулкидин чиқмоққа истеъдод қил».

Тоғдек ошиқни куйдурдунг бу Ширинлик била,
Мундин ортуқроқ мени бир йўли сен Фарҳод қил.

Қоматингнинг қўллингнда ёш эди, улғайди сарв,
Боши титрар эмди хижлаттин ани озод қил.

Ҳоликим жондин асар бордур, соғинғил бандани,
Мен чу ўлсам хоҳ унутғил, анда хоҳи ёд қил.

Гул юзунг қилди чу булбулдек кўнгулни беқарор,
Осиг этмас нечаким айтурлар, оз фарёд қил.

Нечаким, ҳукмунг эрур, шоҳим, равон Лутфий уза,
Чун ҳар ниш сўрулғуси, албатта, адлу дод қил.

* * *

**Эй савубар бўйли дилбар, фикри ҳижрон қилмағил.
Шавқ ўтинда мен гадони асру бирён қилмағил.**

**Элга кўп инъом этарсан дам-бадам дашномни,
Қадр билмасларга охир мунча эҳсон қилмағил.**

**Шарт қилдингким: «Сени мен ўлтурай!»—ўлтурмадинг,
Чунки етмассан сўзунгга аҳду паймон қилмағил.**

**Андаким, бўлдум хабарсиз, доғ қўйдунг жонима,
Эмди билмасман дема, ўзингни нодон қилмағил.**

**Ўзгалар сори боқиб, ғамза ўқини отмағил,
Юрагимни дам-бадам ҳасрат била қон қилмағил.**

**«Сен мени севдунг» дебон не ёзғурурсан бандани,
Гар керакмас ошиқ аввал элни ҳайрон қилмағил.**

**Лутфийн мискинга кўргуз соидингни лутф ила,
Бу гадодин нуқрани енгингда пинҳон қилмағил.**

* * *

Хублар жафоси илкидин ҳар неча бирёндур кўнгул,
Енмас аларнинг меҳридин, ваҳ, не ажаб жондур
кўнгул?!

Ҳаддингни билмайин мени севдинг дебон, ёзгурмоғил,
Сен ҳам билурсан, э бегим, ҳар эрга султондур кўнгул.

Ул ким, кўнгул қилди менга сен тош бағирлиқ ёр учун,
Мўминға кофир қилмағай, яъни мусулмондур кўнгул.

Сентек вафосиз оидин ўз толеъин йиллар кўруб,
Меҳру муҳаббат кўз тутар, кўрким не нодондир кўнгул.

Бир лаҳза сенсиз сабр йўқ, ойларда бир дийдор ҳам,
Ортар дамо-дам шавқ ўти ишимда ҳайрондур кўнгул.

Кўнглум қаро ерга неча ўлтурсун ул зулф илкидин,
Жамъ айла нозук важҳ илаким, бас паришондур
кўнгул.

Лаъли лабинг сўрмаслиғи еткурди жонға Лутфийни,
Сўз бирла кўргуз лутфким, йўқ қайғудин қондур
кўнгул.

* * *

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Уқдайин қоматимизни қора қошлиғлар учун
Муттасил ё қиладурғон бу кўнгулдур бу кўнгул.

Мени ёзгурма «севар» деб, ким менинг ҳаддим
эмас,
Ул таманно қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Борма дерлар эшики сори дамо-дам, нетайин,
Кўп тақозо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Қора мўйин ҳаваси бирла қоронғу кечада
Жонни савдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Душману дўст орасинда мени ғофилни [мудом]
Бесару по қилудурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Узгадин кўрма, ки кўзунг ёшини, эй Лутфий,
Айни дарё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

* * *

Ой юзунгдин етти кишвар хўблариға инфиол,
Дилраболиғ фанни ҳуснунг даврида топти камол.

Ул оғиз меҳридин ўзга келмагай мендин жавоб,
Андаким, маҳшар куни ҳар заррадин бўлғай савол.

Гар илиндим зулфиға, кўрманг мени ошuftадин,
Донахўр этти тузоққа бизни ул лаъл узра хол.

Эй мунажжим, ёр оти бирла мени такбир қил,
Отим оти бирла ёндошсун, менга худ йўқ висол.

Кун юзунг давринда ўртонмай чиқар, не важҳ ила,
Англадимким, тезликдин топқуси охир завол.

Ғафлат аҳлидин мусаллам йўқтурур даъвийи меҳр,
Бормағил уйқуға, эй кўз, сен хаёлидин уёл!

Лутфий кўрмас ул юзунг кўрса дағи беҳуд бўлур.
Душманингга тушмасун, эй дўст, ёраб, ушбу ҳол.

* * *

Нигоро, сенсизин мандин не ҳосил?
Агар жон бўлмаса, тандин не ҳосил?

Чу гулдин ранг эмас, булбулға бўйе,
Баҳору боғу гулшандин не ҳосил?

Жафоу ишваларни фан тутубсен,
Мунигтек ишвау фандин не ҳосил?

Кишиким, йўқтурур меҳру вафоси,
Агар хуршедтур андин не ҳосил?

Бу турлук ҳусн ила Лутфий қулунгга
Иноят қилмасанг, сандин не ҳосил?

* * *

Эй латофат бўстони ичра сарви хушхиром,
Топти рухсоринг гулиндин ҳуси боғи эҳтиром.

Ой юзунгни кунга ўхшатсам муважжаҳдур далил,
Обиҳайвон десам оғзингни эрур молокалом.

Зарварақтек бўлмишам сиймин сақоқинг шавқидин,
Қўр, ки не зарду низор этти мени савдои хом.

Қоматинг тўби ниҳолидур, лабинг кавсар суви,
Юзунг ул ҳури биҳишти тутти бу олий мақом.

Бўлса дўзахта хаёлинг танга куймаклик ҳалол,
Бўлмаса жаннатга ёдинг жонга осойиш ҳаром.

Гарчи марҳумдур рақибинг, ҳақдин узмасмен умид,
Берди кофирнинг муродин, бермагайму бизга ком.

«Ваззуҳо» «Валлайл» ўқурмен зулфу юзунгни кўруб,
Кечти Лутфий умрию вирди эрур бу субҳи шом.

* * *

Мақсудга текурмай ул гуландом,
Ошиқни қилур жаҳонда бадном.

Юз кўргузубон тилакни бермас.
Чун донаси йўқ нетар қуруб дом?

Сиймтек янгоқинг дедим ўпарман,
Айтур: «Тамаъинг эрур бари хом».

Жон қасди учун келур дамо-дам,
Келмас менга раҳм учун дилором.

Ким зулфу юзини кўрди, айди:
«Бир-бирга қотилди куфру ислом».

Жайрон не деб айтайин кўзунгни,
Инсон ила чун мудом эрур ром.

Жондин кўнгул узгин эмди, Лутфий,
Чун ҳосили йўқ турур саранжом,

* * *

То қилди бу ошуфта кўнгул зулфида ором,
Мажмуъи паришон ишани қилди саранжом.

Шаккар лабидин ким тиласа шарбати Ширин,
Ҳасрат била Фарҳод киби ўлгуси ноком.

Ошиқму бўлур гул янгоқи шавқида мардум,
Ер юзини кўз қони била қилмаса гулфом?

Сийм олмасию лаъли майини кўнгул истар,
Оре, бўлур ул ошиқи мискин тамаъи хом.

Эй дўстларим, оҳу кўзин кўрмайин ўлсам,
Зинҳор, сочинг тобутим узра қора бодом.

Юз фотиҳани юзунгга ҳар субҳ ўқурман,
Чун лайлатул-қадр оятини зулфингга ҳар шом.

Лутфий киби гар сарву сиҳи кўрса қадингни,
Озод ўзини қул қилур ул сарви гуландом.

* * *

Эй жон чамани ичра бўйн сарви равоним,
Вола эрур ул сувратинга жону [жаҳоним].

Тун кеча сизинг кун юзунгиз ёди ичинда
Куйдурди фалак гумбазини оҳу фиғоним.

Юз фитна била кўзларинг, эй дилбари раъно,
Бир дамда киши кўрмадиким, тўкмади қоним.

Тўла этагим лаълу гуҳар барча баҳосиз,
Саррофмену икки кўзум бўлди дўконим.

Бағрим қонидин лола битиб тупроғим узра,
Бир-бир ўқуғай қолмаса ҳеч ному нишоним.

Сен бор, э рақиб, жоним эрур ушбу эв ичра,
Мен кетман эшикидин агар чиқмаса жоним.

Лутфий жони ҳар нечаким ҳасрат била борди,
Сен тозау хуш қолгин, оё сарви равоним,

*
*

Жамолинг шамъина парвона келдим,
Фироқ ўтина ёна-ёна келдим.

Фироқнинг зулмидин дод истамакка,
Сенингтект нозанин султона келдим,

Пари рухсора сентек дилрабони
Кўрайин, деб мени девона келдим,

Лабингдин сўргали келдим табуқда,
Хизртект чашмаи ҳайвона келдим.

Юзунгнинг ҳажридин жонимға еттим,
Анинг учун сенингтект жона келдим.

Қошинг ёсин кўруб ийд ойидур деб,
Қошингда Лутфийдек қурбона келдим.

* * *

Келгин, ки фироқнинг ўтида қолмади ҳолим,
Бу ўтни ўчур васл ила, эй оби зилолим,

Жон ирнима етдию рақиблар илкидин
Сўзлашгали йўқтур, нетайин, ҳеч мажолим.

Бир кун ки, йироқ туштум ўшал ой юзунгдин,
Ҳижрон туни жон суҳбатидин тутти малолим.

Ердин, э рақиб, бизни неча бошқа тутарсен,
Жон берсам йироқлик била бўйнунигда вуболим.

Ер ўлтурадур Лутфийнию чораси йўқтур.
Кўргулик киши дармонсиз эрур, тушди эса золим.

* * *

Ераб, не ажаб ёри жафокора йўлуқтум,
Кўзю қоши жодуву маккора йўлуқтум.

Шукронаға жон бердим ўшул чеҳрани кўргач,
Ҳақдин не тилай ўзга, ки дийдора йўлуқтум.

Не толеъ ила мен тилайин меҳр ул ойдин,
Чун бўйла жафочи бути айёра йўлуқтум.

Ҳеч ерда қарорим йўқ эди кўйида турдум,
Жаннатда муқим ўлдуму дилдора йўлуқтум.

Ер истар эдим, учради ногаҳ рақибе,
Гулни тиладим, Лутфий, вале хора йўлуқтум.

* * *

Эй жафо доғи била кўнглумни афгор айлаган,
Гул янгоқинг шавқидур юз, кўзни гулзор айлаган.

Жавҳари фард оғзингизтек хурдабинлар зеҳнина
Солмади ширин хаёле, йўқни ул бор айлаган.

Бир нафасда ўлгай эрдим фурқатингнинг дардинин,
Васл умидидур менга ўлмакни душвор айлаган.

Ақлу дини бўлмасун деди мени бечорада,
Ул қароқчи кўзларингки масту айёр айлаган.

Мен фалакнинг гардишинин бўлмамишман нотавон,
Ернинг севмаслигидур жонима кор айлаган.

Жону дил борди адам сори, сенинг оғзинг учун,
Ул оғиз фикридур элга дунйини тор айлаган.

Ўзгадин қилмам шикоятким, азизим кўзида,
Ўтга тушкур бу кўнгулдуру, Лутфийни хор айлаган.

* * *

Қаду оғзингга боқсам, оҳ дерман.
Сени кўрган сайин оллоҳ дерман.

Тилар кўнглум сени оламдау бас,
Бу нисбаттин сени дилхоҳ дерман.

Менинг ҳаддим эмаским, истаса васл,
«Кўз учи бирла боқ гоҳ-гоҳ», дерман.

Қусури табъдин дерман сени сарв,
Эрур ул нораво бир оҳ дерман.

Этагинга кишининг илки етмас,
Сени бу важҳ ила мен моҳ дерман.

Сенинг қаддинг била нозик юрурда,
Эрур ўзга нима ҳамроҳ дерман.

Жамолинг Лутфи сўзин қилди рангин,
Сенинг ҳуснинга «шайъанлиллоҳ» дерман,

* * *

Латофат қибласи оламда сенсен,
Пари юзлук бани одамда сенсен.

Кўрунур сенсен-ўқ кўзумдау бас,
Бале, ёлғуз ҳамин оламда сенсен.

Масиҳу Хизр эди дам бирла жонбахш,
Алар ул дамдау бу дамда сенсен,

Қароқчи бўлмасанг, эй ёр кўзи,
Нағу пайваста ҳар бир хамда сенсен.

Канорин Лутфи топмоғлиқ маҳол ул,
Мунингдекким муҳити ғамда сенсен.

* * *

Сенинг ўтлуғ кўзунг сеҳри мени куйдурди савдодин,
Қошинг ҳам эгрилик бирла туз этти умр бунёдин.

Билурмусенки, кун тушта не учун сайрдин қолди?
Юзунгни кўрди сорғориб, иликдин борди сафродин.

Ҳабашдин ўлжа тушгандур қаро тамғолиқ ой сизга,
Далили равшан уш зоҳир танурлар барча тамғодин.

Қошинг нуни учун ўйнар кўзум ёш ичра олмоси,
Ажаб тифлеки, ийманмас мунингтек мавжи дарёдин,

Чу боқсанг кўзгунга, ул дам магар ҳолимини
билайсен,
Киши то бўлмаса ошиқ, не билгай ҳоли шайдодин.

Юзунгдин лола ранг элтиб уёлиб шаҳрга кирмас,
Анинг бўйнини киши боғлаб кетурмоғунча саҳродия.

Қил учи белинга Лутфий али етмас, чиқар жони,
Раво тутма, ки йўқ ерда, бу қул ўлгай таманнодин.

* * *

Қани ул бахтким, топсам вафо ул шўхи раънодин,
Ажал, эй кошки, бузгай мунингдек умр бунёдин.

Олур ул юз, оғиз бирла париву одами кўнгул,
Қилур минг ақлу дин ғорат ҳам ул пивҳону
пайдодин.

Кўнгул торож этиб кўзунг, агар жон олса манъ
этма,

Қачон турк илкидин чиқсун, ки парҳез этса
яғмодин,

Рақибим раҳм этиб ёшимни артти кўп, қурумади,
Тафовут йўқ булут олса нечаким сувни дарёдин.

Эшкининг тупроғини сақлаб юз узра ҳаққа кўргузгай,
Агар сўрса, ки, Лутфий, не кетурдунг дори дунёдин?

* * *

Дилбаро, синдурма аҳду ёнмағил мисоқдин,
Пардада тутма юзунгни ошиқи муштоқдин.

Ҳусн давринда жафодин ўзга йўқтур санъатинг,
Халқдин йўқ фикринг ийманмасмусан халлоқдин?

Бир нафас маъшуқ ила ошиқни қўймас шодмон,
Не тилар, ёраб, сипеҳри кинавар ушшоқдин?

Андаким, меҳроб қошинг тузди меъмори қазо,
Қўнглумиз қандилини элттию ости тоқдин.

Ул сенинг кофур янглиқ оразингни ой дегай,
Ул ҳаргиз илғамас бўлса қарони оқдин.

Лоф урур зулфунг била мушқда бордур хато,
Ҳар кишининг аслини билса бўлур ахлоқдин.

То юзунгинг васфини Лутфий битти, дафтари
Бўлди рангину насими гул келур авроқдин.

* * *

Эй турфа пари оламининг жонимудурсен?
Ё икки ёруғ кўзлари инсонимудурсен?

Боқсам бош-оёқ жисминг эрур маҳзи латофат,
Ё сен малаку улвийи руҳонимудурсен?

Ё жодумудурким, кўнгул олдинг ўқуб афсун,
Бу юз ила ё ояти раббонимудурсен?

Ё лутфу зароат била йўғрилдиму зотинг,
Ё хулқу карам маъданияю, конимудурсен?

Лутфий сенга қул бўлди, аё ҳусн эли шоҳи,
Сен бир айт анинг шоҳиву султонимудурсен?

* * *

Ул ғамзадин ўқ отма, онсиз бало қилурсен,
Хуснинг била жаҳонни чин мубтало қилурсен.

Неча вафоға ваъда қилғайсен, эй жафочи,
Сен умрсен кишига, ҳаргиз вафо қилурсен.

Ишим ўтар даводин, тенгри учун, табибим,
Келгил, бу дарди дилга гар бир даво қилурсен.

Меҳроб қоши сори зиндор боқма, зоҳид,
Вайрон бўлур намозинг, барча қазо қилурсен.

Эй кўз, юзини кўрдунг, ёшинг нагу тўкарсен,
Кечган фироқ элиндин не можаро қилурсен.

Куйган кўнгулда ҳар дам меҳринг бўлур зиёда,
Тун-кун агарчи бизга жавру жафо қилурсен.

Йўқтур ажаб гар олдинг бечора Лутфий кўнгулун,
Хуснинг била чу юз минг шаҳни гадо қилурсен.

* * *

Оҳким, куйди дилу жон ул ситамгар илкидин,
Бўлди яғмо ақлу дин ул кўзи кофир илкидин.

Лаълининг ширинлигин бир кун битар эрди қалам,
Боши зону остида қолди чибишлар илкидин.

То юзун кўргузмади, зулфи жаҳонни тутмади,
Бўлмаса султон не келгай хайли лашкар илкидин.

Қанд агар ирни била лоф урса бўлғай калла хушк,
Чун ёшунмуштур қамишлар ичра шаккар илкидин.

Боқти то усрук кўзунг ағёра ҳолимдур хароб,
Қон ютарман то лабингга тегди соғар илкидин.

Сарв бўйинг бирла лоф урди хилофи райи тоқ,
Қўптию, тушмас анинг қасдинда ханжар илкидин.

Лутфийи бечора, андин кўп тамаъ тутма вафо,
Мундоқ ишлар оз чиқар, оре, чу дилбар илкидин.

* * *

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин,
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин.

Дину дилу ақл бўлди яғмо,
Жон олғучи ул қароқингиздин.

Уқдек бўюмиз эгилди ёдек,
Ул фитналик икки тоқингиздин.

Сув бўлди жоним, вале дамо-дам
Утка ёқилур дудоқингиздин.

Олтин киби чеҳра бўлди сориг,
Ул сийм бикин сақоқингиздин.

Қўрсам керак ою кун булутсиз,
Сочни кўторинг янгоқингиздин.

Бу Лутфий хастани сўрунгим,
Бечора ўлар фироқингиздин.

* * *

Кўз қон сочар ирининги кўруб дамба-дам, эй жон,
Оғзингизни тилаб топмаю бўлдум адам, эй жон.

Кўзунг била қаддингни кўруб «наргису шамшод»
Деган кишида не басару, не қадам, эй жон,

Неча тиладинг қайда турур деб рақибингни,
Не бўлғай эшикингда бир ит бўлса кам, эй жон?

Ким қилмаса хаттингни кўруб ҳуснунга иқрор,
Ҳижрон қиличи бўйинни қилсун қалам, эй жон.

Қадду сочу оғзинг ғамидин оҳе, ки қолди
Мажруҳ кўнгулларда нишону алам, эй жон.

«Сен ғам ема ишқимда» дедингим, сўнгак ўлдум,
Неча емасанг қайғуни, ер бизни ғам эй жон.

Кўп Лутфийни қўрқутма тўкарман дею қонин,
Тўксанг сенга минг қатла ҳалол ушбу дам, эй жон.

* * *

Сайд этди дилбарим мени ошуфта сөчтин,
Солди каманд буйнума икки қудочдин.

Хуснууг чоғинда то не адабсизлик этти гул,
Ким юзини қонатти сабо захми кожтин.

Қанди тенг ўлсин ул шакар ирнинг била набот?
Маълум эрур тафовути икки йиғочтин.

Гар шона урса зулфунга машшотаи насим,
Чиқғай ҳазор ҳалқа кўнгул текма сөчтин.

Тўйғунга қўй юзинг сори Лутфийни боққали,
Неъматни бой киши аямас чунки очтин.

* * *

Неча жонима жафо қилурсен?
Вақт ўлди агар вафо қилурсен.

Жоним чиқадур фиरोқ ўтиндин,
Дардимға қачон даво қилурсен?

Ул зулфни солма юзунг узра,
Ким юз била минг бало қилурсен.

Бўйунгда қоним ки, бизни, эй кўз,
Хўблар била ошно қилурсен.

Жондин илкингни, Лутфий, ювғил,
Чун ишқ била марҳабо қилурсен.

* * *

Эй турки париваш, не ажаб жон етилибсен,
Давлат чаманинда гули хандон етилибсен.

Бўй чектингу офоқ ичида қўпти қиёмат,
Ҳай-ҳай, не бало сарви хиромон етилибсен.

Ақлиндин озар Миср элидек, ким сени кўрса,
Бу даврда сен Юсуфи Канъон етилибсен.

Ҳусн аҳли агар бўлса сенга қул, ажаб эрмас,
Ким хўблук иқлимида султон етилибсен.

Ҳам рухи мусавварсену ҳам ақли мужассам,
Бу лутф ила сен фитнаи даврон етилибсен.

Сол соя менинг бошим, эй рашки санувбар,
Ким ғайрати тўби дағи ризвон етилибсен.

Лутфий сўзининг лутфина таъбинг етар, онжоқ,
Аҳсанта, ки маҳбуби сухандон етилибсен!

* * *

Соқиё, қўнглум тутулди ақли нофаржомдин,
Соғаре тутқин, мени қутқар ғами айёмдин,

Тушса сиймин соиндиг акси шароби ол уза,
Қилмағай ҳеч ким жудо саҳбони сийми хомдин,

Муҳтасибқа неча ёлбордим мени чоқти рақиб,
Дўст бўлмас нокас охир иззату икромдин.

Жоми май ўпти лабингни, ташна бўлдум қонина,
Ҳақ текурсун ул ачиқни тортай эмди жомдин.

Лутфий холингни кўруб кўнгли илинди зулф ила,
Дона ҳирсидир, баликим, қуш қутулмас домдин.

* * *

Бу хусну латофатки, бегим, санда дугуяму?
Юз минг малаку ҳур саяга банда дугулму?

Маъзур тут ар туштум эшикингни йироқроқ,
Тан бўлса йироқ, жону кўнгул анда дугуяму?

Гул ўгранур ўшар чаман оролиғ андин,
Бўстонда варақлари пароканда дугулму?

Жини малаку ҳур чаман ичра кўрунмас,
Юзунг ойидин барчаси шарманда дугулму?

Кўнгулми сенинг зулфунг олиб гизлади, билдим,
Уғри киби эл ичра сарафганда дугулму?

Юзунгни кўруб гул хижил ўлғони жиҳатдин,
Гоҳи қизорур, гоҳи иши ханда дугулму?

Ҳар жаврке қилсанг, демагай ҳеч, бу Лутфий,
Маҳбуб неким қилса, хуш оянда дугулму?

* * *

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу,
Масалдурким: «Чароғ туби қаронғу».

Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: «Оққан ариққа оқар су».

Юзунгни туттум ортуқ ою кундан,
«Кишининг кўзидур, оре, тарозу».

Кўзунг қонимдин йиманмас ажабтур,
Ки «Кўрқар қайдаким қон кўрса қинду»

Тилар васлиниги Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар: «Тилогани тилоғу».

* * *

Ҳаққим сени дилрабо яратти,
Ошиқлара чун бало яратти.

Ҳар қайда вафо рақиб учундур,
Ошиқлара чун жафо яратти.

Қилманг мени ишқ учун маломат,
Чун ошиқни ҳам худо яратти.

Ошиқ кишиларни ўлтурурга,
Тенгри сени мунтаҳо яратти.

Лутфий, тамаъ этма меҳр ондин,
Қўрклукни чу бевафо яратти.

* * *

Эй шаккарингда муъжиза Исо қаринаси,
Юсуф жамоли васфу сифотинг каминаси.

Лаълинг хаёли зеҳн ичида нақш бўлғали,
Қўнглум эрур жавоҳири ғайби хазинаси.

Ашҳаб илик узотқоли энгнгагим бўлур,
Зебар етар ҳам ул қаро соч анбаринаси.

Эй ғамзанг ўқлариға нишон руҳ пайкари,
Вей, доғи ҳасратингда макон қалб сийнаси,

Ул қош тоқина қўюб эрдим, ушолди оҳ,
Усрук кўзунг олида кўнгул обгинаси.

Тор оғзингу лабингни кўруб танг қолмишам,
Ким кўрди руҳи жавҳари Ҳотам нигинаси?

Лутфий каломи етса Самарқанд аҳлина,
Амудин ўтмас эди Хўжандий сафинаси.

* * *

Эй, жафочи, тут ғанимат кўркнинг давронини,
Ким, киши топмайдуру бу даврнинг поёнини.

Онт ичибсен гўйёким аҳди ҳуснингда, бегим,
Қилмағайсен бир жароҳатлиқ кўнгул дармонини.

Бу жамолу юзу кўзким сенда бордур онгладим,
Ким тан ичра қўймағайсен ҳеч ошиқ жонини.

Юзунг иймон нуридуру, сақла рақибдин пардада,
Сақласа яхши, киши иблисдин иймонини.

Ишқ учун ошиқни тенгри ёрлақаб, ҳеч сўрмағай
Чун яратмиш кўзу қошу ғамзан фаттонини.

Раҳм эмастур улки кўз ёш этди ошиқ оҳидин,
Ғамзанинг тиғина сув бердики тўккай қонини.

«Не кетурдинг,— десалар маҳшарда,— Лутфий
дунйинди?»
Кўргузай бағримдаги новакларинг пайконини.

* * *

Кўкдадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни.
Даъвийи меҳринга тонуқ тортадурман оҳни.

Сен киби султонни севмак ҳадлим эрмастур, валек
Бу балолиқ ишқ фарқ этмас гадову шоҳни.

Зулфу ой юзунг фироқида туман ҳасрат билла,
Оҳким, зоеъ кечурдум мунча солу моҳни.

Донайи холинг таманносида, эй гул хирмани,
Қил назарким, чеҳраи зардим ёшурди қоҳни.

Оғзингизнинг фикрини мундоқ ки кўрдум охири,
Бошлағусидур адам сори мени гумроҳни.

Эшикингдур бахту давлат, хоки пойнинг афсарим,
Топмади Жамшеду Афридун бу қадру жоҳни.

Қувма Лутфийни эшикдин, бер закоти ҳусн анга,
Қайда айтсун сен ғани боринда «шайъанлиллоҳ»ни.

* * *

Нозуклик ичра белича йўқ тори гесуйи,
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурур қуйи.

Зулфи шикастасинда у кун онглади уза,
Ойларда синмади бу кўнгулнинг бир орзуйи.

Мундоқки яхши ерга тушубтур топиб қабул,
Шак йўқки, муқбил ул дудоғинг холи ҳиндуйи.

Қуш оғзи тегса лаъл ўла минқори тўтидек,
Еқутунг учун ондаки оқса кўзум суйи.

Кўргузмадунг тушумда бирор зулфу оразин,
Э, бахт деди сенга ким туну кун уйи.

Жавр этса, меҳр умиди тутармен ҳанузким,
Бир тавр қолмас одамнинг хислату хўйи.

Лутфий бошин эвурди сочи иничка бел ила,
Ўл ҳинду ришта бирла магар қилди жодуйи.

* * *

Жон азалда меҳр ила бир маҳлиқоға учради,
Ўл кўз олдурғон била мундоқ балоға учради.

Бу кўнгул эрмас, эрур жон хасмию бош ёғиси.
Ким, жаҳон асбобидин мен мубталоға учради.

Сарнавиштим бўлди ҳар ёндин балойи муттасил,
Боштаким, кўзум ўшул қоши қароға учради.

Зулфитек ошуфта толеъман қамарнинг даврида
Не қаро бахт эрдиким, бу бенавоға учради?

Масти лояқил киби борди иликтин бир йўли,
Ҳаргисингдин қайсиким, бир марҳабоға учради.

Кўзу қошу қоматингнинг фитналик ашколина
Нотавон кўнглум назар қилғач аноға учради.

Лутфини ким қарғади: «Ераб, балоға учра!» деб
Ким, сенингтеқ тош бағирлик, дилрабоға учради.

* * *

Хуш келдинг, аё жон тилаги, банда муроди,
Ким қилди муборак қадамнинг қайғуни шоди,

Тунни кўтарур эрли юзунг нури жаҳондин,
Гар бўлмаса ул қошу кўзу зулф саводи.

Орттурди кўнгул жон била ул ғамза баҳосин,
Ортар ниманинг қиймати чун бўлса [музоди].

Ул юзу кўзи ҳасратидин жон берур эрди,
Ҳар лаҳза агар қилмаса беҳуд мени ёди.

Гар ўзга кишилар тиласа молу манол ул,
Васлинг дурур онжоқ, санамо, Лутфий муроди.



Рубоилар





* * *

Эй сенинг ҳар бир карашманг қотилим,
Ўтти Мажнундин менинг дарди дилим.
Кўнглум ўртанди, дағи жоним чиқар,
Ишқингиздин ушбулардур ҳосилим.

* * *

Сенсиян айшу сурурум қолмади,
Йиғламоқтин кўзда нурум қолмади.
Ул қуёш юзунгдин зйрулгон учун,
Қайтудин зарра ҳузурим қолмади.

* * *

Сайд қилди бизни жайрон кўзлари,
Делва бўлди жон, эшигиб сўзлари.
Ер агар қилса иноят, не ажаб,
Қулни чун девона қилди ўзлари.

* * *

Жоми ишрат ҳар қачон нўш айласанг,
Ғамза бирла бизни мадҳуш айласанг,
Хидматингда тутмас эрдим бу умид;
Қим мени мундоқ фаромуш айласанг.

* * *

Дилрабо, Юсуф жамоли сандадур,
Дилраболиқнингки ҳоли сандадур,
Умр кечтию мени бир сўрмадинг,
Бевафолиқнинг камоли сандадур,

* * *

Ҳар неча жавру жафолар сандадур,
Юз чевурман токи жонлар тандадур,
Бевафолиқни кўруб узмас умид,
Бас қатиқ жонлиқ кўнгулким мандадур.

* * *

Шеваким, [ул] сарви озодимдадур,
Ҳам магар ул моҳи навшодимдадур,
То абад ҳаргиз унут бўлғуси йўқ,
Бу жамолу ҳусниким ёдимдадур.

* * *

Бу не қошу ғамзайи айёр эрур?
Бу не шаклу шевау рафтор эрур?
Сизга осондур агар мен бўлмасам,
Сенсизин лекин менга душвор эрур.



Шутоқлар





* * *

Кўз ёшим тупроқ ила гар қотила,
Келмагайман жавридин ҳаққо тила.
Ғамзааси ўлтурдию, ул беҳабар,
Мен агар ўлсам, не ғам ул қотила?

* * *

Гарчи қурутмас кўзумнинг ёшини,
Ҳақ узун қилсун ул ойнинг ёшини.
Йиғлама кўп, бу вужуднинг ишқ ўти
Не қуруғин қўйғуси, не ёшини.

* * *

Боғи ҳуснингдин гуле гар тергамен,
Бош агар борса бу йўлда тергамен.
Ой юзунгин кунга ўхшаткан учун
Ғарқ бўлмушмен уёттин терга мен.

* * *

Бир назар қилдим, қул ўлдум оя мен,
Ул сабабдин жону дилни оямен.
Гар мени шоҳимға еткурса худой,
Ҳазратинда саргузаштим оямен.¹

¹ Айтаман.

* * *

Кўнглума ҳар ёвқи боқсам, доғи бор.
Ҳар неча дардимни десам, доғи бор.
Қилча тавага бори ишқинг ёр эди,
Бир сори бўлди фироқинг доғи бор.

* * *

Чархи кажрафтор элидин ёзамен.
Чиқмадим ҳижрон қишиндин ёза мен.
Бир мени ёрлиқ била ёд этмас ул,
Ҳар неча ул шаҳга қуллуқ ёзамен.

* * *

Неча дедим: «Ул санамга бормоғин!»
Қилмади ул тарк охир бормоғин.
Мунчаким, худройлиғ кўргузда ул,
Ақл ҳайрат қилди тишлаб бормоғин.

* * *

Мен сенинг илқингдин, эй дил, бандамен,
Ваҳ, қачон етқайман ул дилбанда мен.
Бевафоларга мени қилдинг асир,
Сен менга султонсан, эй дил, бандамен.



Қитъалар





* * *

Ақлу жоннинг офати, дин ғорати,
Ҳар не бор ул кўзи бирла қоштадур.
Кетмади савдоси ҳаргиз боштин,
Рост айтурлар, ки «Давлат боштадур».

* * *

Тўнга сиғмасман фараҳдин гул киби,
Келса ул сарви рагон бир-бир менга.
Мунча йил кетган бу бахту давлатим,
Шукрилллоҳким, келур бир-бир менга.

* * *

Бермагил дерлар вафосизга кўнгул,
Ким, анинг нўшиндин ортуқ неши бор.
Узмагайман лаълидин ўлсам умид,
Жон менинг жоним, кишининг неши¹ бор?

¹ Не иши бор?

* * *

Э қароқчи кўзли дилбар, ўйла, бил,
Жон аёман сен киби жононадин.
Ҳусну лутфу сурату маъни била
Туғмагай сентек яна жон онадин.

